



O'ZBEKISTON OVOZI

2011-yil, 10-noyabr. Payshanba 135 (31.411) Ijtimoiy-siyosiy gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqarib boshlagan www.uzbekistonovozi.uz

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Аҳоли бандлиги — фаровонлик омили

2012 йилда мамлакатимизда 967 мингдан зиёд иш ўрни яратилади

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан 2012 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини шакллантиришга бағишланган семинар ўтказилди. Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар, қўмиталар, банк-молия муассасалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси Ф.Ражабов, Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг биринчи ўринбосари Б.Алимухамедов ва бошқалар Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида аҳоли бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар ҳалқимиз фаровонлигини изчил юксалтиришга хизмат қилаётганини таъкидлади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ривожини йўналишда янги-янги имкониятлар яратилаётгани бунда муҳим омил бўлмоқда.

Мамлакатимизда жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида тадбиркорлик субъектларининг фаол иштирокида 815 мингдан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилди. Натижада банд аҳоли сони 2,5 фоиз ўсди. Бунда кичик бизнес, қурилиш, уй-жой-коммунал хўжалиги ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, транспорт ва алоқа каби соҳалар улуши, айниқса, каттадир.

Урта махсус, касб-хунар таълими муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлаш, «корхона-битирувчи-коллеж», «устоз-шоғирд» тамойиллари асосида ишни ташкил этиш ёшларни иш билан таъминлашда яхши самаралар бермоқда.

Касб-хунар коллежларининг битирувчилари 127 мингдан ортиқ корхона, ташкилотга амалиёт ўташ, кейинчалик ишга жойлаштириш мақсадида уч томонлама шартномалар асосида бириктирилди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлаш, «корхона-битирувчи-коллеж», «устоз-шоғирд» тамойиллари асосида ишни ташкил этиш ёшларни иш билан таъминлашда яхши самаралар бермоқда.

Семинарда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлашда, биринчи навбатда, қишлоқ аҳолиси, шу жумладан кам таъминланган, серфарзанд оналар, ногиронлар, битирувчиларни ишга жойлаштириш, қайта тайёрлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича фаол ва мақсадли чора-тадбирларни амалга ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда бандлигини янада рағбатлантириш каби масалалар муҳокама қилинди. Бу борада тегишли тавсиялар иш-лаб чиқилди.

Назозат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.

Фракция фаолияти



Муродбек ЗИЁ олган суратлар.

Демократиянинг ҳуқуқий асослари такомиллашмоқда

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда кун тартибига киритилган бир қатор қонун лойиҳалари, шунингдек, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги А.А.Хаитовга 2011 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури бажарилишининг бориши бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг парламент сўрови тўғрисидаги, «Самарқанд вилоятининг Самарқанд шаҳри, Оқдарё ва Самарқанд туманлари чегараларини ўзгартириш тўғрисида»ги Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг қарори лойиҳалари ҳамда фракция ваколатига доир бошқа масалалар муҳокама этилди.

Йиғилишда фракция аъзолари, мутасадди вазирлик ва ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Республикамиз аҳолисининг фаровонлигини таъминлашда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш масаласи муҳим

ва устувор аҳамиятга молик эканлигини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари даражасида 2010 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида 2011 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дас-

тури тасдиқланган эди.

Дастурнинг мақсади аҳоли бандлиги, даромадлари ва турмуш даражаси ошишини таъминлаш, хуудулар ва иқтисодиёт тармоқларининг имкониятларидан самарали фойдаланиш, иш ўринларини ташкил этишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари масъулиятини кучайтиришдан иборатдир.

2011 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастурига асосан бу йил мамлакатимизда 956,2 мингта иш ўрни очилш кузда тутилган. Партия дастурий мақсадларига мувофиқ тарзда ЎзХДП фракцияси аъзолари маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари билан ҳамкорликда жойларда мазкур Дастур

ижросининг боришини таҳлилий ўрганди. Таъкидлаш кераки, Дастур доирасида улкан ишлар қилинапти. Лекин камчиликлар ҳам йўқ эмас. Шу боис, Дастур ижросида жойларда йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни атрофлича таҳлил қилиб, уни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарур. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги А.А.Хаитовга 2011 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури бажарилишининг бориши бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг парламент сўрови тўғрисидаги қарор лойиҳаси ЎзХДП фракцияси аъзолари томонидан шу мақсадда киритилмоқда.

(Давоми 3-бетда.)

Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!



Истиқдолни англаш дарслиги

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ташаббуси билан Президент Ислоҳ Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» китоби мазмун-моҳиятини чуқур ўрганиш, унинг мустақилликни қадрлаш, асраб-авайлаш, мустақамлаш ва ўзликни англашга даъват этувчи тарихий манба сифатидаги аҳамиятини кенг тарғиб этишга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

→ 2

Футбол

«Насаф» кумуш медаль совриндори

Кеча Қаршидаги «Марказий» стадионда «Насаф» ва «Пахтакор» жамоалари ўртасида мамлакат чемпионати 23-турининг қолдирилган ўйини ўтказилди.

Бу ўйин натижаси Ўзбекистон чемпионати кумуш медали кимга насиб этишини аниқлаб берди. Меҳмонларга фақат галаба керак эди, майдон эгаларини дуранг натижа ҳам қониқтирарди. Ўйиннинг дастлабки дақиқаларида устунликни ўз қўлига олган пахтакорчилар ҳисобни очиган бўлса, «Насаф» футболчилари учрашувга қўшиб берилган вақтда жавоб тўпини киритишди — 1:1. Натижада «Насаф» клуби ўз тарихида ilk бор мамлакат чемпионатининг кумуш медали соҳибни бўлди!

Шундай қилиб, чемпионат голиби ва совриндорлари маълум бўлди. Демак, «Бунёдкор»да олтин, «Насаф»да кумуш, «Пахтакор»да эса бронза медали.

13 ноябрь куни Тошкентдаги «Пахтакор» марказий стадионда «Пахтакор» ва «Насаф» клублари Ўзбекистон Кубогининг финал баҳсида ҳам ўзаро куч сынашда ва мамлакатимизда футбол мавсуми якунига етади.

«Ипак йўлидаги туризм — 2011»

ЎЗБЕКISTON:

Туристлар тинч мамлакатга интилади



2-4 ноябрь кунлари «Ўзэкспомарказ»да «Ипак йўлидаги туризм — 2011» Тошкент Халқаро туризм ярмаркаси бўлиб ўтди. Ўн еттинчи бор ўтказилган бу ярмарка яна бир бор туризм соҳасидаги ҳамкорларнинг амалий мулоқоти учун қулай майдончага айланиб, учрашув ва музокаралар учун шарт-шароитлар яратиб берди.

Ярмаркада 31 мамлакатдан келган 500 дан зиёд туристик компания, мамлакатимиз туроператор ва турагентлари, йирик тармоқ меҳмонхона мажмуалари ва кичик хусусий меҳмонхоналар, санаторий ва курортлар, автотранспорт компаниялари, авиаташувчилар, бронлашнинг глобал тизимлари, турбизнес ва бошқа туристик хизматларнинг дастурий таъминотини етказиб берувчилар, музейлар, кўнгил очиб ва дам олиш индустрияси корхоналари иштирок этишди.

Бирлашган Миллатлар Жаҳон туристик ташкилоти(ЮНБТО)нинг «Турист индустрияни ривожлантириш учун қўлланадиган инновация ечимлари» мавзусидаги семинарда

иштирокчилар ушбу ташкилотнинг аъзолар директори Хавьер Бланко ва дастурлар мувофиқлаштирувчиси Дмитрий Ильиннинг фикр-мулоҳазаларини тингладилар. Хуллас, бизнес учрашувлар, турли тақдирларга бой ва қизиқарли йўлдош дастурлардан иборат ярмарка унинг иштирокчиларига туризм бозорини ривожлантириш тамойилларини аниқлаш, инновацияларни тушуниб етиш ва ўз бизнесида қўллаш учун кўплаб гоғалар олиш имконини берди. Мухбиримиз ҳам ярмарка ишини кузатди.

3-бет

«Бразилия — 2014»

Терма жамоамизнинг муҳим учрашувлари

2014 йилда Бразилияда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатининг Осие қитъаси 3-саралаш босқичи доирасида Ўзбекистон терма жамоаси 11 ноябрь куни пойтахтимиздаги «Пахтакор» марказий стадионида КХДР футболчиларига қарши майдонга тушади.



Терма жамоамиз сафига чет элда тўп сураётган футболчиларимиз ҳам етиб келишди. Бу сафар бош жамоамиз таркибига янги футболчилар ҳам тақлиф этилди. «Навбахор» химоячиси Виталий Почуев ва «Шўртан» ярим ҳимоячиси Александр Мерзляков ilk марта терма жамоага чакрилди. Қатарда бўлган Осие Кубогидан сўнг жароҳати туфайли майдонга туша олмаётган Саҳоб Жўраев яна таркибга қўшилди.

→ 4

«ЎЗБЕКISTON OVOZI» — ХИЛМА-ХИЛ ФИКРЛАР МИНБАРИ, СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!

Обуна индекси — 220



O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT
XALQARO AEROPORTI
Lismitlar litsenziyalangan

Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!

Истиқлолни англаш дарслиги

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ташаббуси билан Президент Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» китоби мазмун-моҳиятини чуқур ўрганиш, унинг мустақилликни қадрлаш, асраб-авайлаш, мустақамлаш ва ўзликни англашга даъват этувчи тарихий манба сифатидаги аҳамиятини кенг тарғиб этишга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, қатор вазирилик ва идораларнинг вакиллари, тарихчи ва сиёсатшунос олимлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Давра суҳбати давомида «Мустақиллик арафасида ёхуд шўроларнинг сўнги талвасаси» ҳужжатли фильми намойиш этилди.



Шарбат АБДУЛЛАЕВА,
ЎзХДП Марказий Кенгаши раисининг ўринбосари:
— Айнан мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма йилги арафасида Президентимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» китоби нашр этилиши ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда му-



Танзила НОРБОЕВА,
Ўзбекистон Касаба уюмлари федерацияси кенгаши раиси, ЎзХДП Марказий Кенгаши аъзоси:
— Маъмур китобни ўқиб, ҳар биримиз 20-22 йил олдинги даврга қайтаемиз. Бу китобни ўқиган ҳар бири Президентимиз ўша вақтдаёқ келажакни аниқ тасаввур қилиб, эзгу мақсад йўлида қатъият билан иш юритганига ишонч ҳосил қилади. Чунки 80-йилларнинг охирида мамлакатимиздаги ижтимоий вазият жуда танг ҳолатга келиб қолганига ўзимиз гувоҳ



Жўрақўзи ҚҮЛДОШОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:
— Бу китобни шахсан мен қувонч билан қабул қилдим. Ўша пайтда халқимиз турмушини



Сафар ОСТОНОВ,
«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталарининг Бош муҳаррири:

— Мустақилликка эришиш оson кечмагани, қанчадан-қанча оғир синовлардан ўтигани, катта матонат ва жасорат талаб қилинганини одамлар, айниқса, ёшлар чуқур билса, мустақиллик қандай неъмат эканини юракдан ҳис этади, англайди, уни ҳимоя этади. Ушбу китобнинг тарихий аҳамияти шундаки, биринчидан, мустақиллик арафасида республикамизда юзага келган оғир ижтимоий-иқтисодий аҳвол, мураккаб сиёсий вазият, собиқ марказдан туриб ўтказилган суҳбатлар, халқимиз бошига солинган қулфатлар аниқ маълумотлар, ҳужжатлар асоси-

лих воқеа бўлди. Китобда мустақиллик йўлини танлаган Ўзбекистон, халқимиз ҳаётида рўй берган сиёсий воқеалар, юртимизни миллий истиқлолга олиб келган оғир ва машаққатли кураш тарихининг ўчмас саҳифалари ўз ифодасини топган.

Китобда узоқ йиллар ҳукм сурган ва тўқсонинчи йиллар бўсафасида емирила бошлаган собиқ иттифок, ўша даврдаги беқарорлик, Ўзбекистонда вужудга келган ўта мураккаб ижтимоий-иқтисодий вазият рўйроқ очиб берилган. Республикаимизнинг янги раҳбари ўзининг биринчи маърузасида даёқ «Биз бундан кейин эскича ашломаймиз ва бундай яшашга замоннинг ўзи йўл қўймайди» дейдики, бунда озодлик ва ҳурликка инти-

бўлганми. Аёллар ва болалар саломатлиги масаласида ҳам юқорида ҳеч ким қайғурмас эди. Соғлиги заифлашган аёллар ва болалар ўлими кўпайгани ёдимда. Аҳоли жон бошига миллий даромад собиқ иттифок даврида ўртача даражадан икки марта паст бўлган. Истеъмол даражаси ҳам шунга яраша эди. Бир миллион киши ишсиз қолган. Бунинг устига, гаразли кучлар томонидан махсус ташкил этилган оммавий тартиббузарликлар, бузғунчиликлар қўшилиб, юртимизни қийин аҳволга солиб қўйган эди.

1989 йилнинг июнида бошланган ва изчил олиб борилган ижтимоий сиёсатнинг бекиёс самараларини бугун ҳаммамиз кўриб турибмиз. Биргина мисол: ҳозир мамлакатимизда аёлларнинг ўртача ёши 75 да, эркеклар эса ўртача 73 йил умр кўрмоқда. Болаларнинг ўлими кескин қамайди.

Президентимиз асаридан келиб чиқадиган дастлабки ҳулоса шунки, ҳаммамиз ўзимизга берилган хизмат вазирамиздан

фаровонлаштиришда улларга ер участкалари ажратилиши мўҳим воқеа бўлган. Ҳозирги аҳолининг тўқин дастурхони, махсулотларимиз ўзимиздан ортиб четга чиқаётгани ўша даврда бошланган ишлар самарасидир. 4 миллион 200 та деҳқон хўжалиги ҳозир халқ дастурхонини тўқин қилмоқда.

Мустақилликка эришиш арафасида республикамиз иқтисодиётидаги ўта танг аҳвол, халқимизнинг ночор турмуши китобда батафсил ёритилган. Бу вазиятни ўнглаш учун нима қилмоқ, қандай йўл тутмоқ керак эди?

1990 йил 16 июнда республиканинг иқтисодий мустақил-

лих руҳи яққол акс этади.

Биз бу асарни чуқур ўрганишимиз, партиядошларимизга, ёшларимизга унинг мазмун-моҳиятини ҳар томонлама тушунишимиз зарур. Шунингдек, Ўзбекистоннинг мустақиллиги оsonликка қўлга киритилганига ва унга эришиш учун астойдил ҳаракат қилингани, оғир кунлар, машаққатли курашлар тарихини билишимиз зарур. Партияимиз тизимда ҳам бу китобни ўрганиш, муҳокама этиш халқ орасига чуқур кириб боришда мўҳим омил бўлади.

Юртимиз мустақиллигини мустақамлаш, унинг қадр-қиммати нечоғли банд эканини ҳар бир инсон онгу шуғрига синдиришда ЎзХДПнинг фаол иштироки мўҳим, деб ўйлайман.

келиб чиққан ҳолда бу китобни нафақат ўқиб, балки таҳлил қилиб, фикрлаб, ўз олдимизга янги-янги вазифалар қўйишимиз, жамиятимиз ривожини, давлатнинг ижтимоий сиёсатини амалга оширишга муносиб ҳисса қўйишимиз керак. Бугунги кунда иқтисодиётимиз, қишлоқ хўжалиги ривожини учун Президентимиз янги ва амалий йўналишлар бераётти. Хизмат турларини кўпайтириш, оилавий бизнесни қўлайтириш, қишлоқ аҳолиси ўртасида сервис хизматини ривожлантириш, томорқадан самарали фойдаланишни кенг йўлга қўйиш зарур.

Касаба уюмлари федерация кенгаши ҳам халқимизнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини таъминлаш бўйича қатор ишлар қилагапти. Йил бошида ҳукумат ва федерация ўртасида бош келишув имзоланди. Аҳоли бандлиги, меҳнат муҳофазаси ва саломатлиги бўйича ЎзХДП билан вазифаларимиз муштараклигини ҳисобга олиб, ҳамкорликни кенгайтириш ниятидамиз.

ликка ва бозор иқтисодиётига ўтиши масалаларига бағишланган кенгашида Юртбошимиз айтган гапларга эътибор берайлик: «Биз учун асосий йўналиш, барча вазифаларни ҳал этиш қилиши — Ўзбекистоннинг реал сиёсий суверенитети ва иқтисодий мустақиллигини таъминлашдир».

Энди тасаввур қилайлик, шўро ҳукумати қўлидан қилинган кўп йиллар давомида кунларда бундай гапларни айтиш оsonми?

Бу қатъий қарор йўлида изчил кураш олиб борилгани, бу кураш оson кечмаганига китобни ўқиб жараёнида иқдор бўласан киши.

тиришдаги меҳнатнинг 84 фоизини халқимиз зиммасига тушган, аммо пахта қайта ишлашдан келадиган даромадининг атиги 16 фоизи бизга теккани ва аҳолиимизнинг 42 фоизга яқини бечора ҳолатда яшаганини ҳисобга олиб фикрлайдиган бўлсак, пахта яққақимлигига чек қўйиш, томорқа, уй-жой учун ер ажратиб қишлоқ одамларига рўзгорини тебратиб, уларнинг ижтимоий ҳимоясини яқшилатиш, тинчлик ва оsonлаштириш сақлашда ниҳоятда мўҳим аҳамиятга эга эди.

Собиқ марказ пахта майдонларини йил сайин кўпайтиришни талаб қилиб турган, бўш ер борки, пахта экишга мажбур этилган, план қонунга айланган, уни бажармаслик жиноят саналган бир пайтда пахта майдонларини қисқартириш, қишлоқ одамларига ер ажратиб бериш бошини гаровга қўйиш билан баробар эди.

Китобдаги ҳужжатлар мазмун-моҳиятига, воқеа-ҳодисалар ривожига эътибор қаратиб таҳлил этилса, Ўзбекистоннинг янги раҳбари Ислам Каримов халқимизни мустақилликка олиб чиқаришга ўз олдига аниқ мақсад қилиб қўйгани ва бу улғун ният йўлида қатъий кураш олиб борганини англаймиз.



Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири, Олий Мажлис Сенати аъзоси, ЎзХДП фаоли:

— Китобда Соҳибқирон Амир Темур юришлари билан боғлиқ ривоятда қабила тилидан айтилган шундай сўзлар бор: «Эй Темур, сен бизни қурол кучи билан енга олдинг, сенга бир шартимиз бор. Агар сен қас-қос бўлсанг, бизни сўйиб таш-

Мастура САЙФУТДИНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Президентимизнинг китобини ўқиб чиқар эканман, ўша йиллар бошимиздан кечирган воқеалар бир-бир хаёлимдан ўтди. 1989 йил декабрь ойида сирдарёлик деҳқон аёл Тўхтақон Қирғизбоева ва яна қатор депутатлар билан бирга СССР Министрлар Совети Раиси Рижков қабулига кирдик. Фарғона водийсидаги хунрезлик сабаблари, қишлоқ жойлардаги оғир аҳволни баён эдик. Лекин у мийғида қўлиб: «Ҳар ким ўзининг ишини қилсин», деди.



Гуллом МИРЗАЕВ,
Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари:

— Президентимизнинг маъмур китоби халқимиз, кенг жамоатчилик томонидан катта қизиқиш билан кўтиб олинди. Бу китоб мустақилликка эришиш йўлида 1989-1991 йиллар давомида юртимизда олиб борилган ўта оғир ва машаққатли курашлар, мустақилликнинг дастлабки йили тарихига доир ноёб фундаментал асар, истиқлол арафасида чуқур танглик ҳолатидаги Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий, иқтисодий инқироздан олиб чиқиш борасидаги курашлар акс эт-



Қумар БЕКНИЁЗОВА,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабаси, Зуфия номидаги давлат муқофоти совриндори:

— Айни пайтда ўқув муассасаларида Президентимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка

а, агар сен савдогар бўлсанг, бизни сотиб юбор, агар сен подшо бўлиб келган бўлсанг, бизга бахт ато эт!».

Ислам Каримов 1989 йили 23 июнда Ўзбекистонга раҳбар бўлган бўлса, ўша кундан бери халқига бахт, тинчлик ато этиш учун, шу халқнинг, миллатнинг юзини ёруғ қилиш учун ҳаракат қиляпти.

Китобда яна бир ҳикмат келтирилади: Агар Яратган қайсики элни ёруғ йўлга олиб чиқмоқчи бўлса, қўламоқчи бўлса, шу элга донишманд, мард, жасур, аъми-шижоатли йўлбоши беради. Дарҳақиқат, Юртбошимиздаги ана шундай аъми-шижоатни биз ҳар дақиқа ҳис қилиб турибмиз. Бу фундаментал асар аввало бутун маъмуриятимиз билан истиқлолга эришиш, янги демократик давлат қуриш йўлидаги қатор саволларга аниқ жавоб берганлиги



Дилимуз ОГРИБ, қабулдан чиқиб келадиганида Ислам Каримовга дуч келдик. У киши биздан ҳол сўради. Ҳарсратимизни эшитган, «**Демак, Ўзбекистон ўз йўлини ўзи**

Абдуманноб РАҲИМОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Бу китобни ҳар бир ўқувчи синчиқлаб, мағзини чақиб ўқиши керак. Чунки унда бундан йигирма йиллар олдинги оғир ва тахликали давр — кескин синов ва машаққатлар билан



ган ғоятда бебаҳо манба. Китобдаги тарихий материалларнинг каттагина қисми бевосита миллий тиклиши ва ўзликни англаш, яъни маъна-

эришиш оstonасида» асари чуқур ўрганишга, бу китоб биз ёшларга тарихимизни тегиз англашда мўҳим омил бўлмоқда.

Шахсан ўзим китобни ўқиб жараёнида қаттиқ таъсирландим. Биз ёшлар билмаган, аммо билишимиз зарур бўлган қанча тарихий воқеалардан хабардор бўлдим.

Маъмур китобдан, айниқса, биз ёшлар билишимиз керак бўлган жуда мўҳим тарихий ҳужжатлар ўрин олган. Уларни чуқур ўрганиш, таҳлил қилиш, моҳиятига етишимиз зарур.

Юртбошимиз ўша оғир шароитда ҳам ёшлар тўғрисида кўп қайғурган. Ёш кадрларни тайёрлашни мўҳим вазифа сифатида кун тартибига қўйган.

билан келажакка қаратилган қомусий асар деб баҳоланади. Ундан бизга тарихимизни бундан тўқинлашга, ёт ғояларни тикиштиришга уринаётганларнинг фикрларини рад этувчи тарихий далиллар, ҳужжатлар ўрин олган.

Тарихни халқ яратади. Лекин халқни уйғотадиган ва уни тўғри йўлга бошлайдиган, ишонтира оладиган куч тарихий шахсдир. Унинг ролини биз ўтган аждодларимиз, бобоқалонларимиз тўғрисида билишимиз.

Бугунги саодатли кунлар, бугунги тинчлик, оsonлаштилик, турмуш тарзимиздаги кут-барак ва бизга ғойибнинг июноти эмас. Шахсан Юртбошимизнинг оқилона ва доно сиёсати тўғрисидаги қарарлари натижа. Шу боис, китобдаги ҳар бир маъруза ўз вақтида халқимиз тинчлигини, бахт-саодатини, эр-танги истиқболини ўйлаб ай-

топиши керак», деди.

Китобни ўқиб, шунга иқдор бўлдимки, бу гаплар ўшанда шунчаки айтилмаган экан. 1989 йил 24 июнда бўлиб ўтган республикамиз ҳукумати Фарғона водийсидаги оsonлаштириш ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларига бағишланган Кенгашида «**Биз бундан бундан эскича ашломаймиз**» деган қарорни кун тартибига қатъий қўйди.

Ўша кенгашида республикамиз раҳбари Фарғона водийсидаги аҳолининг моддий фаровонлигини қандай қилиб яқширатиш, одамларини қандай боқиб қўлиб қўйиб, қатор муаммолар ечимини бўйича аниқ

ўтган 1989-1991 йиллар, Ватанимиз мустақиллиги эълон қилиниши, ўша мураккаб воқеалар яққол кўрсатиб берилган. Китобни ўқиб шунга англайсизки, Ислам Каримов Ўзбекистон раҳбари сифатида иш бошлаган дастлабки кунларда ўз нутқлари ва маърузаларида мустақиллик ҳақида сўз очиб, унга тамал

вийат масалаларига бағишланган. Бу ҳақда гап борганда, авваламбор, 1990 йил 24 мартда иттифокдош республикалар орасида биринчи бўлиб Ўзбекистонда Президентлик Институтини тўқинлаш ҳақида мувофиқлик йўлидаги чинакам, маънавий жасорат намунаси бўлди.

Шунга алоҳида таъкидлаш керакки, мамлакатимиз раҳбарлари 1991 йили 31 августда, ўн иккинчи қақирқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кен-

1989 йилдаёқ талантли ёшлар учун махсус стипендиялар ажратиб, уларни нуфузли олий ўқув юртида ўқитиш учун ҳукумат захирасидан катта маблағ ажратишга топшириқ берган экан.

Мени ҳайратга солган яна бир масалани айтимоқчиман. Бундан 22 йил олдин, 1989

Шунингдек, давра суҳбатининг бошқа катнашчилари ҳам китобнинг мустақиллик тарихини ўрганиш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги мўҳим аҳамияти ҳақида фикр юритишди. Президентимизнинг янги китобини қўқиб қўқиб-ўқиб, мазмун-моҳиятини халқимиз онгига етказиш зарурлиги қайд этилди. Зеро, бу китоб том маънода мустақилликни янгича идрок этишга хизмат қилади.

Саҳифани «Ўзбекистон овози» газетасининг махсус муҳбирлари Абдуваҳоб АБДУБАННОПОВ, Гулрух ОДАШБЕКОВА тайёрлади.

тилган фикрлардир. Китобнинг ҳар бир саҳифаси кишини фикрлашга ундайди, ана шу курашлар жараёнида мен қаерда эдим? Қайси ҳаракатим, қайси уй-фикрим билан элнинг қорига яраганман, деган ўй ўтади дилингиздан.

Президентимиз ўзлари таъкидлаганларидек, дунёга келган чақалоқ аввал эмаклайди, кейин ғоз-ғоз туради, ундан сўнг юриб кетади. Ўзбекистон эса янги давлат сифатида туғилган кунидек юриб кетган.

Юриб кетишга мажбур бўлган! Ўтган 20 йил мобайнида биз қудратли давлатнинг фуқаросига айландик. Эндиликда мана шу бунёдкор, заҳматқаш халққа муносиб фарзанд бўлишни, эл-юрт олдида фуқаролик позициясини тўғри англашни ўз бурчимиз деб билимоғимиз шарт. Бу китобни ўқиб ўзгача фикрлаш мумкин эмас.

тақлифларни ўртага ташлади. У кишининг топшириғи билан маъмур ходимлардан иборат ишчи гуруҳ тўқинди. Бу гуруҳ водийга бориб, аҳволни ўрганиб, ҳар бир худуд бўйича амалий ҳулосалар тайёрлади. Шундан сўнг аҳоли ўта зич жойлашган Фарғона водийсида бандлик масаласини ечиш бўйича дастур ишлаб чиқилган...

Китобда бу ва бошқа тарихий воқеаларни ҳаяжон билан ўқиб, битта ҳулосага келдим: биз мустақиллик тарихини ҳали чуқур билимас эканмиз. Бу асар яқин ўтмишдаги тарихимиз ҳақидаги ҳақиқат дарслиги сифатида қимматлидир.

тоши қўйган. Асарнинг энг қимматли томони мана шунда. Чунки келажак авлод ҳам уни мутолаа қилганида мустақиллик оsonлиги билан қўлга киритилганини чуқур ҳис қилади. Айтиш жоизки, китоб ўқиб келаятган ёш авлод учун истиқлол тарихини ўрганиш ва англашда улкан аҳамиятга эга.

гашининг навбатдан ташқари олтинчи сессиясида сўзлаган нутқи, айниқса, ўша нутқдаги: «Мен шу бугундан эътиборан 1 сентябрни республикамизда Мустақиллик кунини, умумхалқ байрами деб эълон қилишни тақдир этаман», деган оғашини сўзлари Ватанимиз тарихига олтин харфлар билан ёзилган.

Биз бу китобни, унда келтирилган ҳужжатлар мағзини чақимиз, одамлар, айниқса, ёшлар онгига синдиришимиз лозим. Чунки мустақиллик уруғини сочилган даврни тушуниш китоб билан танишган ҳар бир инсон учун Истиқлолнинг қадрига етишда ишончли омил бўлади.

йилда, Юртбошимиз, агар биз ёшлар билан шуғуланмасак, улар билан бошқалар шуғуланмади, ёшлар орасида бошқалар пайдо бўлади, деган фикрни айтиб, жамоатчиликни огохлантирган экан. Бу келажакдаги хавф-хатарини олдиндан кўриш ва ёшларни асраш тўғрисида гамҳурлик албатта.

Шунингдек, давра суҳбатининг бошқа катнашчилари ҳам китобнинг мустақиллик тарихини ўрганиш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги мўҳим аҳамияти ҳақида фикр юритишди. Президентимизнинг янги китобини қўқиб қўқиб-ўқиб, мазмун-моҳиятини халқимиз онгига етказиш зарурлиги қайд этилди. Зеро, бу китоб том маънода мустақилликни янгича идрок этишга хизмат қилади.

Саҳифани «Ўзбекистон овози» газетасининг махсус муҳбирлари Абдуваҳоб АБДУБАННОПОВ, Гулрух ОДАШБЕКОВА тайёрлади.

Шунчаки иш эмас, натижа мўҳим

бунинг учун барчамиздан ташаббус, талабчанлик ва қатъият талаб этилади

■ **Маълумки, жойларда Ўзбекистон Халқ демократик партияси мантиқий ташкилотларнинг пленумлари бўлиб ўтмоқда.**

Коракалпоғистон республика партия кенгаши пленумида республика кенгаши раиси Қуватбой Қурбанбаев партия фаоллари ва депутатларни янада фаол бўлишга, таҳлил қилишга, таъминлашга кўрсатишга ундади. У йўл қўйлаётган камчиликларни ошқорлаш қийин.

— Электротариф манфаатларини қўллаб-қувватлашда ва Ҳаракат дастурини бажаришда Тахташ шаҳар, Беруний, Мўйноқ,

ляпти. Лекин шу ўринда Тахташ шаҳар ва Эллиққалъа туман ҳамда Нукус шаҳар партия ташкилотлари иш самарадорлигини оширишга жиддий эътибор қаратаётганини таъкидлаш лозим. Албатта, бу кенгашлар танқиддан ҳулоса чиқариб олади.

Қозақбой ЖАНИБЕКОВ,
Коракалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгесидан партия депутатилик гуруҳи раҳбари:

— Аввало, бошлангич партия ташкилотларида тарғибот ва ташвиқот ишларини қўлайитири-

шимиз, ахборот-ресурс марказлари фаолиятини жонлантиришимиз лозим. Чунки бугунги кун ҳар бир партия аъзосидан партия дастурларидан келиб чиқадиган вазифаларни сидқидилан амалга оширишни талаб этмоқда.

Пленумда партия марказий нашрлари — «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталарида 2012 йил учун буни ташкил этиш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Реймбой ЁШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Фракция фаолияти

Демократиянинг ҳуқуқий асослари

такомиллашмоқда



сида»ги Қарорига биноан ишлаб чиқилган бўлиб, интеллектуал мулк соҳасидаги қоида ва атамаларни унификациялаш, бир хилда қўллаш, интеллектуал мулк эгаларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш имконини кенгайтириш, шунингдек, юридик ва жисмоний шахсларни ортиқча молиявий харажатлардан халос этишга йўналтирилган.

Фракция аъзолари «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда таҳлил қилишди.

Таъкидлаш керакки, мазкур қонун лойиҳаси мамлакатимизда янада қўлай инвестицион муҳит яратишни, чет эл инвестиция киритувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини замонавий бозор муносабатлари ҳамда миллий иқтисодий тизимнинг устувор таъминини асосида такомиллаштиришни кўзда tutади.

Фракция аъзолари кун тартибига киритилган қонун лойиҳаларини атрофлича муҳокама қилиб, тегишли моддаларни қонун лойиҳаларининг концептуал мақсади билан келиб чиққан ҳолда янада такомиллаштириш буйича таклифлар билдиришди.

Таъкидландики, қонунлар лойиҳалари орқали жорий этилаётган ҳуқуқий меъёрлар тегишли моддаларда янада аниқ акс этиши, хусусан, назарда тутилганидан бошқача талқин қилинишига йўл қўйилмаслиги шарт. Шунда қонунлар сифати бўлади ва қўзланаётган мақсадларга тўлиқ жавоб беради.

Ийгилишда «Самарқанд вилоятининг Самарқанд шаҳри, Оқдара ва Самарқанд туманлари чегараларини ўзгартириш тўғрисида»ги Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг қарори лойиҳаси қўриб чиқилди.

Ундан қўзланган мақсад — мазкур ҳудудларда истиқомат қилувчи аҳолига транспорт, коммуникация ва бошқа муҳим соҳаларда янада қўлайлик яратиш, ҳудудлар инфратузилмаси ва қиёфасини тубдан яхшилаш имконини кенгайтириш иборат.

Ийгилишда муҳокама қилинган масалалар буйича фракция нукта-назари белгилаб олинди.

Тўлқин ТўРАХОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

«Ипак йўлидаги туризм — 2011»

ЎЗБЕКИСТОН: ТУРИСТЛАР ТИНЧ МАМЛАКАТГА ИНТИЛАДИ

Бухородаги «Ховли поён» меҳмонхонаси вакилларининг ярмарканинг уч кунли давомида ҳам қўли қўлига тегади. Ўз хизматлари ҳақида буклетларни тарқатдилар, яна қизиқувчиларга қўшимча хизма қилиб беришга ҳам тўғри келди. Сирасини айтганда, ярмарка улар учун жуда самарали бўлди — Ўзбекистоннинг туризм имкониятлари, соҳанинг сервис инфратузилмаси қўлама ва даражаси билан таъниш истагидаги хорижий профессионаллар бу меҳмонхона хизматидан келажакда фойдаланишни кўнглига туғиб кетган бўлса ажаб эмас. Бир неча туристик компаниялар билан шартномалар ҳам тузилди.

— Бугунги кўргазма хизматларимизни кенг реклама қилиш имконини берди, — дейди меҳмонхона менежери Норбек Тўйчиев. — XVIII асрда қурилган қадимий уй асосида барпо этилган шарқона ҳовли типидagi меҳмонхонамиз ёзу киши мижозлар билан банд бўлади. Асосан, Германиялик ва Франциялик сайёҳлар меҳмонимиз бўлишади.

Дарҳақиқат, савлатли ўймакор нақшли қадимий дарвозадан кириб бориладиган ва жимжима нақшли устунлари, хоналар деворларидagi ганчлари, ҳовлидаги чорпоқ, кўкка ўрпаган узум ишқомлари икки юз йил олдинги ҳаёт манзарасини берувчи бу маскандаги ҳаёт хорижий сайёҳ учун қадимий шаҳарда қўрган осори-атиқалари билан ахлит манзара ҳосил қилиши табиий.

Булар кўргазма иштирокчисининг кичкинагина хусусий меҳмонхона намойишидан олган таассуротлари, холос. Тадбирда ҳар бир вилоят алоҳида стендлар ташкил этгани, ҳар бирида турли туристик йўналишлар, оромгоҳлар, меҳмонхона ва рестороанлар, бошқа хизмат кўрсатувчи корхоналар ўз махсулотларини тақдим этгани назарда тутилса, кўргазманинг мамлакатимиз туризм салоҳияти ва объектиларини кенг намойиш этишдаги ўрнини тасаввур қилиш мумкин.

Утган йиллардаги тажрибалардан келиб чиққан ҳолда, бу йил кўргазмани ташкил этишда қатор янгиликлар киритилди. Жумладан, иштирокчилар ва таъриф буюрганларга қўлайлик яратиш мақсадида мамлакатимиз ва хориж компаниялари стендлари алоҳида павильонларда тақдим этилди.

Халқро павильонда эса 65

(Давоми. Боши 1-бетда.)



дан ортиқ чет эллик туроператорлар стенд билан иштирок этди. Шуниси диққатга сазоворки, ярмарканинг хорижий иштирокчилари сони йил сайин осяпти. Бу, бир тарафдан мамлакатимизнинг туризм имкониятлари кенглиги ва ундан тўла фойдаланиш йўлида амалга оширилаётган ишлар самараси билан, иккинчи тарафдан, барқарор ривожланиш йўлига чиққан иқтисоди бақувват муштақил давлатимизнинг бутун дунё бўйлаб сайру саёҳат қилиш имконига эга бўлган аҳолисини турист сифатида ўзларига жалб қилишга интилишлари билан изоҳланади.

— Бу ярмаркада биринчи бор иштирок этишимиз, — дейди Чехия Республикаси миллий туризм бошқармасининг Ўрта Осиё буйича ваколатхонаси раҳбари Моника Линггартова. — Ярмарканинг юқори савияда ташкил этилгани, барча тадбирлардаги эркин ва самимий мулоқот туфайли туризм профессионалларига ва оддий саёҳат иштирокчиларига туристик йўналишларимиз ва объектиларимиз ҳақида янги маълумотлар бера олди, деб уйлайман. Бу эса келгусидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлигимизда муҳим рол ўйнайди.

— Тошкент Халқро туристик ярмаркаси географиясининг йил сайин кенгайиб бораётганига гувоҳ бўляпмиз, — дейди Испаниядаги «Ancoodes, S.L.» компанияси вакили Юлия Павлинова. — Бу эса унинг иштирокчилари учун ҳам кенг имкониятлар дегандир. Аҳолисининг турист сифатида

Испанияга ташрифи хижатидан Ўзбекистон энг потенциал мамлакатлар сафида туради. Тошкент — Мадрид авиайўналишининг очилиши билан туристлар оқими сезиларли даражада осяпти.

Ўз махсулотлари ва хизматларини таъриф этаётган хорижий профессионаллардан уларнинг мамлаката аҳолисининг Ўзбекистон сафарига қизиқиши ҳақида сўраганимизда, уларнинг айримлари маълумотлар ва реклама талаб даражасида эмаслигини айтишди. Бундан қўринадики, бугун биз Ўзбекистоннинг туристик имкониятини бутун дунёга янада кенгроқ намойиш этишимиз керак.

Тўғри, кўргазмада туризм соҳасининг бу йўналиши ҳам аста-секин бозор талабларига жавоб бераётганининг гувоҳи бўлди. Бир қанча фирмалар Ўзбекистон осори-атиқалари ва туристик объектилари буйича мультимедиа махсулотларини таъриф қилдилар.

— Ўзбекистон осори-атиқалари, халқ амалий санъати тўғрисида қатор китоблар нашр қилганимиз, — дейди «SMI-ASIA» компанияси директори Алексей Арапов. — Жаҳоннинг бир неча тилларида чоп этиладиган нашрларимизнинг асосий харақдорлари чет эллик туристлардир. Асосан музей ва меҳмонхоналарда, туристик объектиларда сотиладиган қатор китоблар қайта-қайта нашр қилинган. Инновацияларни қўллаш орқали харидорлар талабига жавоб бериш билан бирга фаолиятимизни кенгай-

тиришга ҳам эришамиз.

Алексей атрофида томошабинлар йиғилган ноутбук экранига эътибор қаратишимни сўрайди. Мониторда қадимий обида бор маҳобати билан намойён бўлади, айланаб ҳарақатланаётгани туфайли унинг бутун гўзаллигини томоша қилиш имконияти туғилади.

— Самарқанд обидалари тасвирининг 3D версиясини яратдик, — дейди у. — Интернет билан жаҳоннинг исталган нуқтасидан Самарқандга виртуал саёҳат қилиш мумкин. Махсулотимизни жаҳон тармоғи орқали кўчириб олиш хизматини йўлга қўйиш устида ҳам ишлаяпмиз.

Виртуал саёҳатдан кейин бу обидаларнинг ўзини кўриш иштиёқи туғилиши эҳтимолдан холи эмас, албатта. Демак, ўзбек туризми реклама маси қўлама кенгайиб бораверади.

Реклама ҳақида гап кетганда бир нарсани таъкидлаш жоиз



Альо АБДУЛЛАЕВ, Отабек МИРСОАТОВ (ўса) олган суратлар.

— 17-Тошкент Халқро туристик ярмаркасини ўтказиш мўддатлари бу сафар «Ўзбектуризм» миллий компаниясининг янги маркетинг ташаббуси — қузги меганфотурга тўғри келди.

— Ярмаркадан бир олам таассуротлар ва албатта бўлажак мақолаларим учун маълумотлар олдим, — дейди Малайзияда инглиз тилида нашр этиладиган «The Star» газетаси мухбири Изабелла. — Менга, айниқса, халқ амалий санъати намуналари намойиши ёқди. Биттагина сўзанин томоша қилиш учун ҳам мамлакатингизга саёҳат қилса арзийди.

Албатта, меганфотурда иштирок этган юз нафар хорижий журналистнинг ҳам ана шундай таассуротлари уларнинг мақолаларида акс этади.

Таассуротлар эса олам-жаҳон — ярмарка доирасида ташкил этилган «Миллий таомлар» фестивали, «Унармадлар шаҳри», «Шарқ бозори» экспозициялари, «Буюк ипак йўли» мавзусидаги очик туристик фотография танлови, миллий либослар кўригидан ярмарка иштирокчилари ҳам, томошабинлар ҳам завқландилар.

Ярмаркадаги барча тадбир ва томошалар ягона мақсадга — қадимий обида ва санъатга, айналарга бойлиги ва замонавий туризм йўналишлари жадал ривожланаётган Ўзбекистоннинг бу соҳадаги салоҳиятини кўз-кўз қилиш, янги ҳамкорлар ва бозорларни жалб қилишга, ўзаро манфаатли ҳамкорлик ришталарини боғлашга қаратилди. Мамлакатимиз ва хориж туризми учун янги имкониятлар яратилди. Демак, ўзбек туризми реклама маси қўлама кенгайиб бораверади.

Шарофат ЙўЛДОШЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Реклама ўрнида

Банк кредитлари



янги иш ўринлари очилишига, махсулот тури ва сифати ошишига хизмат қилмоқда

Ўзбекистон — Германия «Савдогар» очик акциядорлик тижорат банкининг Хоразм филиали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилда ўз бизнесини йўлга қўймоқчи бўлган кўпжаб юртдошларимизга молиявий мадад кўрсатмоқда.

Чунонки, филиал буйича ўтган 9 ой ичида барча манбалар ҳисобидан 2060,9 млн. сўм кредит маблағлари кичик бизнес корхоналари ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун йўналтирилди. Шу жумладан, оилавий бизнес субъектиларига 1972,8 млн. сўм кредит ажратилди. Шундан озик-овқат товарлари ишлаб чиқаришга 220 млн. сўм, ноозик-овқат товарлари ишлаб чиқаришга 202,1 млн. сўм йўналтирилди. Масалан, «Яшнар» иختисослаштирилган қурилиш монтаж хусусий фирмасига фиш ишлаб чиқариш учун хом ашё ва техника воситалари сотиб олиш ҳамда қурилиш-монтаж ишлари учун 102,1 миллион сўмлик кредит маблағи берилди. Банкнинг молиявий қўмағи боис фирмадаги иш ҳажми 5-6 баробарга осяиб, ўтган йили 450 миллион сўмдан ортиқ қурилиш ишлари бажарилди. Қўшимча 7 та иш ўрни яратилган.

«Софт Пласт инвест» масъулияти чекланган жамиятга берилган 100 миллион сўм кредит ҳисобига ишлаб чиқариш ошмоқда. Корхонада йили-

га 175,6 миллион сўмлик алюмин ва пластик профили ромлар ишлаб чиқариш режалаштирилган. Булар ҳисобига янгидан ўнлаб иш ўринлари яратилди.

«Хоразм шакар» ОАЖ қошидаги «Умидли чорва» шўъба корхонаси паррандачиликни янада ривожлантириш учун банкдан олган 200 миллион сўм кредити эвазига четдан паррандахоналарни бир хил ҳароратда сақлайдиган фанерлар сотиб олди. Янги қурилган йеҳда бугун 12 киши меҳнат қилмоқда.

Урганч шаҳрининг Ал-Хоразмий кўчасида жойлашган «Гастроном Сомес» масъулияти чекланган жамиятига янги замонавий типдаги дўкон ва савдо мажмуаси қуриш учун 700 миллион сўм кредит ажратилиши расмилаштирилди. Шундан ҳозиргача йўналтирилган 250,0 миллион сўм ҳисобига дўкон биноси қуриб битказилиб, аҳолига хизмат қилмоқда.

«Урганч прогресс» масъулияти чекланган жамиятга ҳам Ал-Хоразмий кўчасида янги типдаги машиш хиз-



мат кўрсатиш уйи ва дўкон қуриш учун 300,0 миллион сўм кредит маблағи ажратилди.

Филиал буйича жорий йил 1 октябрь ҳолатига кредитлар қолдиғи 3 млрд. 129,1 млн. сўмни ташкил этмоқда ва жорий йил бошига нисбатан 1 млрд. 531,6 млн. сўмга осяирилди.

Шунингдек, фуқароларга уй-жой сотиб олишга ажратилган ипотека кредитлари миқдори 1 октябрь ҳолатига кўра 301,2 млн. сўмни ташкил этмоқда.

Пластик картончалар асосида ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантириш борасида филиал буйича анчагина ишлар қилинди. Йигирмадан ортиқ бюджет ва бошқа ҳужалик юритувчи субъектлар ходимларига пластик кар-

точкалар тарқатилиб, кўпжаб терминаллар савдо корхоналарига, аҳоли гавжум жойларга ўрнатилди.

Валюта операциялари буйича ўтган тўққиз ойда «Вестерн Юнион» тизими буйича 644131,5, «Контакт» тизими буйича 3121305,0, «Анелик» тизими буйича 846595, «Мигом» тизими буйича 417262, «Интерэкспресс» тизими буйича 323889 АҚШ доллариде валюта маблағлари аҳолига етказиб берилди.

Буларнинг барчаси банк филиали ходимлари миждоз ва унинг манфаат-лари учун хизмат қилаётганлигидан далолатдир.

Шоҳайдор МИРҲАБИЕВ,
Мирбахтиёр МИРҲАБИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.

Агар сизнинг қонуний ҳуқуқларингиз бузилса, ҳеч иккиланмай Адлия вазирлиги ёки унинг ҳудудий бошқармаларидаги «Ишонч телефони»га қўнғироқ қилинг. Адлия органларининг мутахассислари сизнинг ҳақ-ҳуқуқингизни ҳимоя қилишга ва бузилган ҳуқуқингизни тиклашга ёрдам беради!

№	Адлия органи номи	«Ишонч телефони» рақамлари	Махсус «Ишонч телефони»
1	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги	(371) 236-26-99, 233-47-68, 236-05-09, 036-79-24	008
2	Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги	(361) 223-34-00, 233-71-93	008
3	Тошкент шаҳар адлия бошқармаси	(371) 262-92-42, 269-14-45, 269-03-98	008
4	Андижон вилоят адлия бошқармаси	(374) 224-45-94, 22-30-89	008
5	Бухоро вилоят адлия бошқармаси	(365) 223-74-16, 223-21-20	008
6	Жиззах вилоят адлия бошқармаси	(372) 771-64-71, 771-64-81, 771-64-82	008
7	Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси	(375) 223-01-64, 223-01-76	008
8	Навоий вилоят адлия бошқармаси	(436) 223-80-47, 223-01-38	008
9	Наманган вилоят адлия бошқармаси	(369) 226-51-93, 226-36-62, 226-78-93	008
10	Самарқанд вилоят адлия бошқармаси	(366) 233-04-62, 233-52-31	008
11	Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси	(376) 223-26-84, 223-44-35, 223-19-15	008
12	Сирдарё вилоят адлия бошқармаси	(376) 235-09-69, 225-41-19, 225-19-50, 225-30-50	008
13	Тошкент вилоят адлия бошқармаси	(371) 280-50-98, 280-51-06, 253-30-02, 280-50-96	008
14	Фарғона вилоят адлия бошқармаси	(373) 224-15-49, 224-30-91, 224-04-87	008
15	Хоразм вилоят адлия бошқармаси	(362) 226-86-47, 226-65-50, 226-17-75	008

E-mail: info@minjust.gov.uz

Эътироф

Ўзбекистонда яратилаётган футбол инфратузилмаси ўзбек футбол келажиги учун мустаҳкам пойдевордир

Шундай дейди ОФК президенти вазифасини бажарувчи Жанг Жилонг

Яқинда ОФК кубоги финали доирасида юртимизга ташир буюрган Осиё футбол конфедерацияси президенти вазифасини бажарувчи хитойлик Жанг Жилонг ОФКнинг Куала-Лумпурда жойлашган қароргоҳига қайтган, Ўзбекистонга ташири ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини билдирди. Жумладан у, ўзбек футболда амалга оширилаётган ишлар ибрат оларли даражада эканини, Ўзбекистонда яратилаётган футбол инфратузилмаси ўзбек футбол келажиги учун мустаҳкам пойдевордир, дея таъкидлади.



— Болалар футболни ривожлантириш учун амалга оширилаётган дастурлар ва катта эътибор бошқа мамлакатлар учун намуна бўла олади, — дейди Жанг Жилонг. — Ишончим комил, бу ишлар Ўзбекистонда икитдорли футболчиларнинг сафи янада кенгайишига Ўзбекистонда футбол инфратузилмасининг янада ривожланишига хизмат қилади. Шунингдек, Ўзбекистон футболнинг ривожланишида ОФК ҳам ҳисса қўшаётганидан хурсандман. Жанг Жилонг пойтахтимизга ташири давомида «Пахтакор» стадиони, ЎФФ биноси, «Чига-той» терма жамоаларни тайёрлаш маркази ва «Бунёдкор»нинг янги қурилатган стадионида бўлди. Жаҳоннинг энг илгор технологиялари асосида барпо этилатган «Бунёдкор» стадиони 33000 муҳлисга мўлжалланган. Унинг қурилиши 2012 йилда тугалланади ва бу ерда 20 ёшгача бўлган қизлар ўртасидаги Жаҳон чемпионатини қабул қилиш кўзда тутилмоқда. ОФК раҳбари мазкур стадионни, унинг худудида барпо этилатган спорт мажмуаси ва иморатлар лойиҳасини кўздан кечира туриб, бу комплекс жаҳон стандартларига тўла жавоб

беришини, унда ФИФА ва ОФКнинг халқаро ўйинларини ўтказиш мумкинлигини таъкидлади. Жаноб Жанг Жилонг Қарши сафари унда жуда катта таассуротлар қолдирганини ҳам алоҳида таъкидлади: — «Насаф» футбол мактаби, стадиони, клуб инфратузилмаси, Қарши шаҳри, одамлар ва умуман бу маскан мени лол қолдирди. Ўзбекистонликлар бугун ҳар бир оиладан машур футболчи етишиб чиқишини ороу қилишади. Биласизми, ҳар қандай ороу ҳам бир кун келиб буюк мақсадга айланади. ОФК президенти ЎФФ музейидан ўрин олган экспонатлар, тарихий фотосуратлар билан ҳам танишди. Ўзбекистон футбол федерацияси президенти Мираброр Усмонов Жанг Жилонгга мамлакатимизда Президентимиз раҳбарлигида футболга, айниқса, болалар футболга берилётган эътибор ва гамхўрликлар, шунингдек, ўзбек футболнинг тарихи, бугунги кунда эришяётган ютуқлари, келажакдаги режалар ҳақида гапириб берди ва мартабали меҳмонга эсдалик совғалари тақдим этди. — ОФК байроги остидаги мусобақаларга мезбонлик қилиш биз учун шараф, — деди Мираброр Усмонов. — Бу масалада ОФКнинг ҳар қандай қарорини қўллаб-қувватлаймиз. Биз ОФК томонидан қўйилган барча талабларни бажардик. Осиё чемпионлиги лигаси ва ОФК Кубоги баҳсларида клубларимиз сонининг ошишига тайёрмиз.

Темур АбЗАМ, «Ўзбекистон овози» муҳбири



Кўқондаги 17-Мехрибонлик уйида «Ўзбекистон овози» ва «Голос Ўзбекистана» газеталари тахририяти ташаббуси билан ҳомийлар иштирокида маданий-маърифий тадбир ўтказилди

Президентимиз ташаббуси ва доимий гамхўрлиги туфайли мамлакатимизда Мехрибонлик уйлари тарбияланувчилари учун барча шароитлар яратиб берилган. Бинолар замонавий жиҳозланган, мусиқа, рақс, спорт заллари, компьютер хоналари, фан кабинетлари... Энг муҳими, ҳар бир болажонга жонфидо тарбиячилар.

Шундай бўлса-да, одамлар, меҳнат жамоалари бу ердан оёқ узмайди. Барчаннинг қалбида ягона мақсад: болажонларга бир лаҳза бўлса-да, қувонч улашиш. Улар қаторида «Ўзбекистон овози» ва «Голос Ўзбекистана» газеталари тахририяти ҳам бор. Мана, икки йилдирки, Мехрибонлик уйларида маданий-маърифий тадбирлар ўтказиб келмоқда. Бу гал Фарғона вилоятининг Кўқон шаҳридаги 17-Мехрибонлик уйида газетамиз навбатдаги хайрия тадбирини ўтказди. Тушликка дамланган ошдан тановул қилган болажонлар катта залга жамул-жам бўлди.

— Биз «Тонг юлдузи» газетаси, «Билимдон» болалар журналини ўқиб борамиз, — дейди қизалоқларнинг бири. — Орамизда уларга хабар ёзаётганлар ҳам бор.

Биз қизиқarli савол-жавоб, билимларини намойиш этди-лар. Голублар фақат қарсак билангина оқишланмади. Уларга турли қўғирчоқлар, «ўзинг

лотлар ўтказиб туришга сўз бердик. Шу заҳотиёқ мулоқотлар ўрнини зукколик ўйини эгаллади. Тарбияланувчилар бирин-кетин майдончага чиқиб, билимларини намойиш этдилар. Голублар фақат қарсак билангина оқишланмади. Уларга турли қўғирчоқлар, «ўзинг

бизнинг ҳар бирига тахририят ва доимий гамхўрлигимиз меҳр-саховати тадбиркор Муроджон Мадраҳимовнинг махсус совғалари ҳада этилди.

— Мехрибонлик уйининг доимий хомийлари оз эмас. Лекин бугун улар қаторига «Ўзбекистон овози» ва «Голос Ўзбекистана» газеталари тахририяти ҳам қўшилгани, қувонч, қизиқarli тадбир уюштиргани ва бир дунё совга-саломлар улашгани учун миннатдоримиз, — дейди мусасаса директори Дилафруз Тиллабоева. — Журналистлар биз ҳақиқимизда ёзиб туришарди. Лекин улар томонидан бу каби хайрия тадбир илк бор ўтказилди.

Дарвоқе, Кўқондаги Мехрибонлик уйи ютуқ ва ижобий натижалари билан аллақачон

Болалар қувончи, кулгиси дунёни ёшартиради, яшнатади



ҳамкасбларимиз эътиборини тортган, эл озғига тушган. 2004 йилдаёқ мамлакатимиздаги «Энг намунали Мехрибонлик уйи» деган шарафли номга эришди. Маърифат Мардонова, Намуна ва Хайриза Жўраевалар, Дилдора Тоғаева каби меҳри дарё тарбиячилар ўз касбининг моҳир устаси, дея тан олинган. Дилорам Эркабоева эса «Эл-юрт хурмати» орденига сазовор бўлган.

Биз «Ўзбекистон овози» газетасининг муҳлисими, — дейди Дилдора Тоғаева. — Чунки бу газетада бизнинг ҳаётимиз ва фаолиятимиз, соҳага оид қизиқarli мақолалар, янгиликлар, фотоларлар тез-тез босиб турилади. Бугунгидек тадбир эса жамоамизни тахририят ҳамда журналистлар билан янада яқинлаштиради.

Шу пайт ёнимизга ўзини Шаҳзода деб таништирган сўзасомолгина қизалоқ келди. — Мен ҳозир 4-синфда ўқийман. Катта бўлсам, журналист бўлмоқчиман. Бунинг учун нима қилишим керак?

Афсус, адиб Хуршид Дўстмухаммедовнинг шу саволга ба-тафсил маслаҳат ва йўл-йўриқ кўрсатилган «Журналист бўлмоқчимисиз?» деган китобчаси ёнимизда эмасди. Чунки, ҳали

қалби мурғак ва соф туйғуларга тўлиб-тошган болажонларда касбимизга шунчалар қизиқшини кўрамиз, деб ўйламагандик. Шаҳзода ва у каби орзуманд болаларга албатта ўша китобдан тез орада етказишни ваъда қилдик.

Шу пайт: «Ура, Жаҳонгир ака келдилар!» — деган хитоб янграётгани, дея тан олинган. Дилорам Эркабоева эса «Эл-юрт хурмати» орденига сазовор бўлган.

— Барака топсин, бу йигитнинг марҳум отаси Жаҳрали ака ҳам бирон байрамни қолдирмай болалардан хабар олиб турарди. Мана энди ўли шундай қилпаят, — деди менга тарбиячилардан бири. Тўғриси, бу тадбир болаларни шунчалик қувонтиришини кутмагандик. Уларнинг завқли рақслари, талашиб шеър ўқилари, саволларга ўқтам жавоб беришлари, юз кўзларидаги шодликларни кўриб қаттиқ ҳаяжонланганлигини бор гап. Ана шундай пайтда «Болалар қувончи, кулгиси дунёни яшартиради, яшнатади», деган сўзлар қанчалик ҳақиқатлигига яна бир бор икор бўларкансан киши. **Мухаммадjon ОБИДОВ,** «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Реклама ва эълон

Хусусий очик акциядорлик-тижорат банк «Asia Alliance Bank»

«Moody's Investors Service»

халқаро рейтинг агентлиги томонидан 2011 йил 3 ноябрда хусусий очик акциядорлик-тижорат банк «Asia Alliance Bank»га рейтинг берилди.

Рейтинг бўйича прогноз «Барқарор»

«Бразилия — 2014»

Терма жамоамизнинг муҳим учрашувлари

(Давоми. Боши 1-бетда.)

КХДР ва Тожикистон терма жамоалари билан бўлагидан ўйин олдидан бош мураббий Вадим Абрамов куйидаги футболчиларни йиғинга чақирди:

ДАРВОЗАБОНЛАР

Игнатий Нестеров («Бунёдкор» Тошкент)
Муроджон Зухуров («Насаф» Қарши)
Павел Бугало («Локомотив» Тошкент)

ХИМОЯЧИЛАР

Шавкат Муллажонов («Ал-Аҳли» Қатар)
Виктор Карпенко («Бунёдкор» Тошкент)
Ислом Тўхтаҳўжаев («Нефтич» Фарғона)
Анзур Исмоилов («Чанчунь Ятай» Хитой)
Виталий Денисов («Днепр» Украина)
Қамолддин Тожиёв («Жангсу» Хитой)
Саҳоб Жўраев («Бунёдкор» Тошкент)
Ақбар Исмаилов («Пахтакор» Тошкент)
Виталий Почуев («Навбахор» Наманган)

ЯРИМ ХИМОЯЧИЛАР

Сервер Жепаров («Ал-Шабоб» Саудия Арабистони)
Одил Аҳмедов («Анжи» Россия)
Санжар Турсунов («Волга» Россия)
Темур Қападзе («Инчон» Жанубий Корея)
Азиз Ҳайдаров («Ал-Шабоб» БАА)
Вағиз Галиулин («Сибирь» Россия)
Лутфулла Тўраев («Насаф» Қарши)
Станислав Андреев («Пахтакор» Тошкент)
Александр Мерзляков («Шўртан» Ғузур)

ХУЖУМЧИЛАР

Александр Гейнрих («Сувон» Жанубий Корея)
Улўбек Бақоев («Дубай» СК БАА)
Максим Шацких («Арсенал» Украина)
Александр Шадрин («Навбахор» Наманган)
Баҳодир Насимов («Нефтич» Озарбойжон)

Терма жамоамиз 15 ноябрь кuni «Пахтакор» майдонида Тожикистон терма жамоасини қабул қилади. Ҳар иккита муҳим ўйинда ҳам футболчиларимизга омад ер бўлсин.

Газетанинг навбатдаги сони 15 ноябрь, сешанба кuni чиқади.

10-11.11.2011

ОБ-ҲАВО

	БУГУН	ЭРТАГА
Тошкент	3°C	5°C
Самарқанд	3°C	5°C
Нукус	0°C	5°C
Қарши	2°C	7°C
Урганч	3°C	5°C
Навоий	5°C	5°C
Фарғона	5°C	4°C
Бухоро	3°C	5°C
Андижон	5°C	4°C
Наманган	5°C	4°C
Термиз	2°C	7°C
Жиззах	2°C	6°C
Гулистон	2°C	6°C
Тошкент вил.	2°C	6°C
Лондон	15°C	15°C
Париж	17°C	19°C
Москва	7°C	6°C
Мадрид	18°C	15°C
Пекин	16°C	16°C
Гонгконг	26°C	27°C
Рим	23°C	23°C
Анкара	14°C	13°C
Токио	24°C	24°C
Стокгольм	11°C	9°C
Кейптаун	21°C	23°C
Қоҳира	24°C	25°C
Гавана	27°C	27°C
Вашингтон	17°C	16°C

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги тасарруфидаги санат корхоналари «Сувиншоот-маш» уюшмаси жамоаси уюшма бошқаруви раисси Умар Асадовга онаси **РАҲИМА** аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

MUASSIS: Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHIRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV	Ulug'bek MUSTAFOYEV	MUHIDDIN MUHIDDINOV
Latif G'ULOMOV	Tat'yana KISTANOVA	OCHIBOY RAMATOV
Bobir ALIMOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)	Saidahmad RAHIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA	G'affor HOTAMOV	
Murodulla ABDULLAYEV	(Bosh muharrir o'rinbosari)	

BO'LIMLAR: Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

*Sharq nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. O'zbekiston ovozi materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 1146 t — Tijorat materiallari
10029 Topshirish vaqti — 21.00
nuxxada O'ZA yakuni — 20.45
bosildi. Topshirilgan vaqti — 02.15

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Abdusalim MAHMUDOV

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5